O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 7 апрель, № 66 (3611) Пайшанба


# АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯНГИ АСОСДАГИ ҲАМКОРЛИК

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4-6 апрель кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди.*



Давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида Ўзбекистон халқига Ҳиндистон ҳақида батафсил сўзлаб беришга зарурат йўқлигини таъкидлади. Бой тарих ва маданиятга эга бу мамлакатни кўпчилигимиз яхши биламиз. Лекин бугунги кун нуқтаи назаридан қаралганда, ҳозирги Ҳиндистон ҳақида кўп яхши фикрлар айтиш мумкин. Мамлакат саноат ишлаб чиқариши, жалб қилинаётган хориж сармояси ҳажми жиҳатидан дунёдаги дастлабки ўнликка киради. Ядровий технологиялар ва коинотни забт этиш борасида ҳам энг илғор мамлакатлар сафида туради. Жаҳонда ахборот технологиялари йўналишида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ярмидан ортиғи Ҳиндистон ҳиссасига тўғри келади.

Дунёдаги энг кўп суғориладиган экин майдонига эга Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўп асрлик анъаналари, замонавий ирригация технологияларининг ишга солиниши туфайли бир миллиарддан зиёд аҳолининг эҳтиёжини қондирибгина қолмай, катта миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ҳам қилади. Қулай сармоявий муҳит ва улкан бозор дунёнинг донгдор корпорацияларининг бу мамлакатга қизиқишини тобора оширмоқда. Биргина автомобилсозлик соҳасини олсак, Ford, Suzuki, Hyundai каби кўплаб машҳур компаниялар ўз маҳсулотини Ҳиндистонда ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйган.

Сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши 75 фоиздан ошгани, ўртаҳол аҳоли сони кўпаяётгани (ҳозир 400 миллиондан зиёд) мамлакат иқтисодиёти замонавий бозор талаблари асосида ривожланаётганидан далолатдир. Умуман, иқтисодий ўсиш суръати борасида Ҳиндистон дунёда энг юқори поғоналардан бирида туради.

Президент Ислом Каримов Деҳлидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг матбуот учун берган баёнотида Ҳиндистоннинг юксак салоҳияти ва катта нуфузига алоҳида тўхталди. Ўзбекистон бу мамлакат билан муносабатларни қадрлашини таъкидлади. Ташрифдан кўзланган мақсад эса дўстона алоқаларни янада кенгайтириш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан фикр алмашиш эди. Шундай бўлди ҳам.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам ва Бош вазир Манмоҳан Сингх билан учрашувларида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича атрофлича фикр алмашди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўзаро манфаатли ҳамкорликни, айниқса, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги алоқаларни янги поғонага кўтариши учун катта салоҳият ва имкониятга эга, бунга интилиш икки томонда ҳам кучли. Икки мамлакатнинг халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга нисбатан қарашлари муштарак. Бу амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим сиёсий асосдир.

Ислом Каримов Ҳиндистон вице-президенти Бхайрон Сингх Шекхават билан учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Натвар Сингх, мудофаа вазири Пранаб Мукержи, савдо ва саноат вазири Камал Нат билан ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Музокараларнинг амалий натижаси ташриф давомида имзоланган 13 ҳужжатда ўз ифодасини топди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Ҳиндистон давлат савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Ҳиндистон сайёҳликни ривожлантириш корпорацияси ўртасида англашув протоколи, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерацияси ҳамда Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистон давлат банки ҳамда Ҳиндистон экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик меморандумлари, "Ўзсаноатмашимпекс" давлат акционерлик ташқи савдо компанияси билан Ҳиндистоннинг "Компетент" компаниялари гуруҳи ўртасида Савдо уйи ташкил этиш тўғрисида меморандум, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Жавоҳарлаъл Неру университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти билан Мирзо Ғолиб институти ўртасида англашув меморандумлари имзоланди.

Бу ҳужжатларнинг ўзиёқ музокаралар нечоғли кенг қамровда ўтганини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисида битимлар илгари имзоланган. Энди эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид ҳукуматлараро битим ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Таълим соҳасининг юксак аҳамиятини инобатга олган ҳолда томонлар бу йўналишда ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқди ва олий ўқув юртларининг алоқаларига кенг йўл очиб берди. Жавоҳарлаъл Неру университети ва Мирзо Ғолиб институтининг нуфузи Ҳиндистондан ташқарида ҳам юқори.

Маданият соҳасида 2005-2007 йилларга мўлжалланган дастур халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Мудофаа вазирликларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги ҳужжат бугунги воқеълик нуқтаи назаридан қараганда ғоят долзарбдир. Юксак ҳарбий салоҳиятга эга Ҳиндистон билан бу борадаги алоқалар терроризмга қарши курашга доир ҳаракатларни мувофиқлаштиришда, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ўзаро тажриба ва ахборот алмашишда жуда муҳим ўрин тутади.

Президент Ислом Каримовнинг Ҳиндистон сафарига давлат ташрифи мақоми берилгани Ҳиндистон раҳбариятининг Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга катта иштиёқидан далолатдир. Ташриф асносида иқтисодий соҳага оид еттита ҳужжат қабул қилингани унинг нечоғли самарадор бўлганини ва қандай улкан аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Савдо-саноат палаталари, банклар, сайёҳлик компаниялари ўртасидаги муносабатларнинг расмийлаштирилгани савдо-иқтисодий алоқаларга янги суръат бахш этиши тайин. Ҳамкорликда ташкил этиладиган Савдо уйи ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 160 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида тузилган қирққа яқин қўшма корхона ҳамда Ҳиндистондаги 4 компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Деҳли музокараларида бу кўрсаткичларни ошириш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз Ҳиндистонга асосан рангли металлар ва улардан ясалган буюмларни, айрим хизмат турларини, полиз маҳсулотларини, ипак ва кимёвий толаларни экспорт қилади. Импорт эса қоғоз ва картон, дори-дармон, ускуна, органик ва кимёвий бирикмалар каби маҳсулотлардан иборат. Бу рўйхатларни анча кенгайтириш мумкин. Самолётсозлик, нефт кимёси, ўғит, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тери ва ёғочни қайта ишлаш сингари соҳаларда ҳамкорлик кўламини ошириш имкониятлари кўп. Юқори технологиялар, жумладан, ахборот технологиялари, шунингдек, тоғ-кон саноати борасидаги алоқаларни ҳам замон талабларига мос равишда ривожлантириш мумкин. Фан, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам долзарб аҳамиятга молик. Тарих ва фалсафа бўйича қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро алоқасини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳиндистон товарлари ва хизматларининг Марказий Осиё бўйлаб ёйилиши учун Ўзбекистонда қулай шароит мавжуд. Ўзбекистон эса ўз ташқи савдосини ривожлантиришда ўндан ортиқ йирик ва икки юзга яқин кичик бандаргоҳи бўлган Ҳиндистоннинг коммуникацияларидан янада кенг фойдаланиши мумкин.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги кўлами имкониятлар доирасига солинса, унчалик катта сегментни ташкил этмайди. Деҳли учрашувларида шу сегмент ҳажмини доира даражасига етказиш масалалари батафсил кўриб чиқилди ва муайян келишувларга эришилди.

Президент Ислом Каримов ташрифнинг учинчи куни "Ҳумоюн" ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Бобур Мирзо асос солган салтанатни мерос олган Ҳумоюн Мирзо мақбараси — Деҳлидаги энг гўзал иншоотлардан. Айтишларича, мақбара учун жойни Ҳумоюннинг ўзи танлаган экан. Обида 1565 йилда, ўша кезлари меъморликни санъат даражасига кўтарган Мирза Ғиёс тарҳи асосида Ҳумоюн Мирзонинг рафиқаси Ҳамида Бегим раҳнамолигида бунёд этилган. Ҳиндистонда мақбаралар атрофини боғ-роғ билан безаш анъанаси айни шу мажмуадан бошланган.

Ислом Каримов "Ҳумоюн" мажмуи Бобурийлар даврининг етук меъморий обидаларидан эканлигини таъкидлади. Аждодларимизнинг ҳинд заминида қолдирган улкан мероси халқларимизнинг тарихий муштараклигидан далолатдир. "Тож Маҳал", "Ҳумоюн" каби обидалар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари учун бирдек қадрли ва азиз.

Деҳлидаги кўплаб биноларда "Тож Маҳал" ёки бошқа таниш атамаларни кўриш мумкин. Хусусан, Президентимиз учун ажратилган қароргоҳ ҳам "Тож Маҳал" деб номланган. Буларнинг барчаси маънавий қадриятларимизнинг муштараклигидан, халқларимизнинг бир-бирига яқинлигидан далолатдир.

Президент Ислом Каримов ташриф аввалида Маҳатма Ганди, сафар якунида Ҳумоюн Мирзо мақбараларини зиёрат қилгани азалий дўстлигимиз мустаҳкам эканлигига гўзал бир ишорадир. Анъанавий алоқаларимиз мустақиллик йилларида янгича асосда ривожланмоқда. Бундан манфаатдор эканлигини икки томон ҳам эътироф этади. Кўп асрлик ришталарга эга бўлган Ўзбекистон ва Ҳиндистон муносабатлари бугун ўз тараққиётининг мутлақ янги даврига қадам қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистонга бу галги, яъни давлат ташрифи ўзаро ҳамкорлигимиз тарихига ана шу даврнинг муҳим босқичи сифатида кириши шубҳасиздир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Деҳли-Тошкент.**

**СУРАТДА: ташриф пайтидан лавҳа.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида

***Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг жасорати ва фидойилигига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб:***

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги" юбилей медали билан мукофотлансин.

2. Мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган шахсларга 20000 (йигирма минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

3. "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги" юбилей медали ва пул мукофотини топшириш маросимини Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари вакиллари иштирокида тантанали равишда ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда юбилей медалларини топшириш ва пул мукофотларини тўлаш тартибини белгиласин, юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 6 апрель

---

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат*

# ФАРЗАНДЛАР ОЛДИДА ЮЗИМИЗ ЁРУҒ БЎЛСИН



***Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ замонавий мактаблар, касб-ҳунар коллежлари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилаяпти. Буларнинг барчаси юксак мақсадларга хизмат қилади, албатта.***

***Эътиборли жиҳати шундаки, ҳукуматимиз томонидан ўрта махсус таълим тизимида кадрларни танлаш, ўқувчиларни касбга тайёрлаш ва тарбиялаш ишларининг сифати, моддий-техника таъминотини яхшилаш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда, капитал қурилиш ва жорий таъмирлаш учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилаяпти. Давлат аҳамиятига молик бу вазифаларнинг ижросини таъминлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, айниқса ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши аҳволи прокуратура органларининг доимий диққат-марказида турибди.***

Айтиш керакки, республикада бугунги кунда таълим тизимини жаҳон андозаларига мос равишда шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда аксарият касб-ҳунар таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнлари таълим стандартларидан орқада қолмоқда. Боз устига, ушбу даргоҳларда баъзи шахслар ўз манфаатларини кўзлаб турли қонунбузарлик содир этаётганлиги кишини ташвишлантиради. Текширишлардан аён бўлдики, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иш берувчи сифатидаги талаб ва эҳтиёжлари, таълим масканларидаги ўқитувчи кадрлар салоҳияти ва моддий-техник имкониятлар тўлалигича ўрганилмасдан коллежларда янги ўқув йўналишлари жорий этилиб, ноқонуний равишда меъёридан ортиқ ўқувчилар қабул қилиниши одат тусига кирмоқда.

Хусусан, Жиззах педагогика коллежи директори вазифасини бажарувчи Ў. Ўринов 2003-2004 ўқув йилида 71 нафар ўқувчини ноқонуний равишда ўқишга қабул қилган ҳамда уларнинг ўқиши учун бюджетдан 9,6 млн. сўмлик маблағ ноқонуний сарфланишига йўл қўйган. Шунингдек, Андижон вилоятидаги 49125 ўринга мўлжалланган 69 та коллежга 64586 нафар, Сирдарёда 15885 ўринга мўлжалланган 30 та коллежга 21459 нафар ва Сурхондарёда 36208 ўринли 59 та коллежга 52784 нафар ўқувчи қабул қилинган. Шунингдек, Сурхондарё вилоятидаги Шеробод тиббиёт коллежи 300 ўринга мўлжалланган бўлса-да, 405 нафар ўқувчи қабул қилинган.

Бундай хатти-ҳаракатлар ўз навбатида коллежларни тамомлаган, мутахассисликка эга бўлган битирувчи ёшларни иш билан таъминлаш масаласида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Юқорида қайд этилган вилоятларда касб-ҳунар коллежларини 2004 йилда тугатган 26514 нафар битирувчилардан 2754 нафари ишга жойлашмаганлиги шундан далолат беради. Коллеж битирувчиларини касбга йўналтириш борасида ўрта-махсус таълим муассасалари билан меҳнат органлари ҳамда бевосита иш берувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг йўқлиги, меҳнат бозори конъюктураларини ўрганмасдан мутахассислар тайёрлаш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги ҳам уларни иш билан таъминлашда муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга ўқув жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар, йўналишлар бўйича тармоқ таълим стандартлари, умумтаълим ва мутахассислик фанлари бўйича ўқув дастурлари билан таъминлаш ҳамон қониқарсиз аҳволда эканлигини ачиниш билан қайд этишга тўғри келади. Андижон, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида фаолияти танлаб ўрганилган 27 та касб-ҳунар коллежида 180 та касбий йўналишнинг 33 тасида ўқув жараёни 1999 йилда ишлаб чиқилган эски тармоқ стандартлари, 8 тасида электрон вариантдаги тегишли тартибда тасдиқланмаган тармоқ стандартлари ҳамда мутахассислик фанлари бўйича ўқув дастурлари ташкил этилганлиги аниқланди. Андижон ва Гулистон санъат коллежлари, Ангор маиший ва Хонобод саноат касб-ҳунар коллежлари, Қизириқ ва Сариосиё қишлоқ хўжалик коллежларида ана шундай салбий ҳолатларга йўл қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

**Муборак туманидаги "Сиёвуш" фермер хўжалиги 210 гектар ер майдонига эга. Ўтган йили жамоа 85 гектарда ғўза парвариш қилиб, гектаридан 37 центнердан пахта, экин майдонининг қолган қисмида етиштирилган ғалладан 83 центнер ҳосил олишга муваффақ бўлди. Олинган соф фойда 42 миллион сўмни ташкил қилди. Аввало, мулкка муносабат тубдан ўзгарганлиги, имкониятлардан самарали фойдаланилганлиги, минерал ўғит, ёнилғи ва бошқа воситалар тежалганлиги боис ана шундай юқори натижага эришилди.**

# Фермер майдонда синалар

— Хўжалик юритишнинг мазкур усули бизга ниҳоятда маъқул, — дейди фермер Раҳматилла Қурбонов. – Тадбиркорлик ишда асосий мезонга айланаётганлиги, фидокорона меҳнат туфайли шартнома режалари мунтазам равишда уддаланиб, соф фойда миқдори ҳам ошиб бормоқда. Ҳар ким пировард натижадан манфаатдор эканлигини сезгач, ўз вазифасини вақтида бажаради. Фермерликнинг энг катта ютуғи ҳам шунда, деб ҳисоблайман.

Мамлакатимизда истиқболли, илғор ва тажрибада ўзини оқлаган фермер хўжаликларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Сабаби иш юритишнинг ушбу усули энг мақбул ҳисобланганлиги боис фермерлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Фермер хўжаликлари ширкат ва мулк шаклининг бошқа турларидан ўзининг афзал эканлигини тўла исботлади. Айни пайтда мамлакатимизда уларнинг сони 126 минг тага яқин бўлиб, 3,3 миллион гектар майдонда меҳнат қилишмоқда. Ўтган йили республикамизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги фермерларнинг улуши 20,2 фоизни ташкил этди.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг 2003 йил 27 октябрда "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, зарар кўриб ишлаётган, рентабеллик даражаси паст ширкат хўжаликлари негизида босқичма-босқич фермерлар ташкил этиш режалаштирилган. Унга биноан режани сурункали равишда бажармаётган ширкатлар ўрнида фермерлар вужудга келмоқда. Жорий йилда ҳам 406 та ширкатни фермерларга айлантириш режалаштирилган.

Ширкатлар негизида вужудга келаётган фермерлар барча кўрсаткичлар бўйича ўзининг ижобий жиҳатларини кўрсатмоқда. Хусусан, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар тежаляпти, ҳосилдорлик ошиб, шартнома режалари мунтазам равишда бажариляпти. Масалан, бундай фермер хўжаликларида 2003 йилда ғалла ҳосилдорлиги 4 центнерга, 2004 йилда пахта ҳосилдорлиги 6 центнерга ошди. Пировардида эса фермерлар иқтисодиёти мустаҳкамланмоқда.

Эндиликда республикамизда ер майдони кичик бўлган фермерларни йириклаштириш борасида ҳам иш олиб бориляпти. Сабаби кичик фермер хўжаликларида рентабеллик миқдори кам бўлганлиги туфайли уларнинг оёққа туриши қийин кечяпти. Шу боис ҳукуматимиз томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш киритилди. Унга кўра, ғаллачилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликларининг ер майдони камида 35-40 гектар, пахтачиликка ихтисослашганлари эса 40-50 гектар бўлиши мўлжалланган.




Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, йирик фермер хўжаликлари асосан рентабелли ҳисобланиб, маҳсулотнинг аксарият қисми улар томонидан етиштирилади. АҚШ, Голландия, Дания ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг бу борадаги фаолияти фикримизга мисол бўла олади. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан нафақат ўзларининг аҳолисини боқади, балки хорижга ҳам экспорт қилишади.

Ҳаётимизда бу ҳаракатга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар ҳам борки, улар ўз ечимини кутмоқда. Айрим тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминот корхоналари томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслик ҳолатлари шулар жумласидандир. Масалан, "Ўздонмаҳсулот" компаниясидаги айрим корхоналар томонидан топширилган ғалла учун ўз вақтида пул тўланмаслиги афсуски, оддий ҳолга айланиб боряпти. Хусусан, ўтган йили Тошкент вилоятидаги "Тўйтепадон" ҳиссадорлик жамияти Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Оққўрғон туманларидаги фермер хўжаликларига 240 миллион сўм маблағни вақтида ўтказмаган.

Айни пайтда фермер хўжалигига айлантирилаётган ширкатлардаги комиссиялар фаолиятида бир қатор камчиликлар учрамоқда. Масалан, ширкатларнинг асосий воситалари (техника, чорва моллари, бинолар ва бошқалар)ни олдиндан хусусийлаштириш ниқоби остида арзон нархларда сотиб юбориш ҳоллари кузатиляпти. Шунингдек, фермерларни танлашда қонунбузарликка йўл қўйилганлиги тўғрисида ўтган йили 1426 та фуқаро Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда унинг ҳудудий вакиллик бўлимларига ариза билан мурожаат қилди. Мутасадди идораларнинг ўз вақтида аралашуви билан Ғаллаорол, Оққўрғон, Каттақўрғон ва бошқа туманлардаги бундай хато-камчиликларнинг олди олинди. Шу билан бирга, ер майдонларини тўлиқ фермерларга бермасдан ноқонуний равишда ташкил этилган уюшма, бирлашмаларни сақлаб туриш учун ажратиш, жойлардаги ҳокимликлар кўпинча экинларни жойлаштириш ва ҳосилдорликни белгилашда ернинг табиий ҳолати, бонитет бали ҳамда сув билан таъминланиш даражасини ҳисобга олмаслик ҳолатлари ҳам учраяпти.

Жорий йилнинг 28 январида Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасида бу масалага алоҳида тўхталиб, фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини устувор вазифа этиб белгилади. Шу боис, соҳада амалга оширилаётган ишларга эътиборни кучайтириш, фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун барча чора-тадбирларни кўриш шу куннинг талабидир. Фермерлик республикамиз қишлоқ хўжалигида асосий кучга айланиб, уларнинг сафи тобора кенгайиб боряпти. Қишлоқ мулкдорлари ҳисобланган бундай синф эгалари билан тузилган шартнома шартларини бажариш, уларга етарли даражада шарт-шароит яратиш нафақат тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш корхоналари, балки мутасадди идоралар ва ҳокимликларнинг ҳам бевосита вазифасидир.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 7 апрель — Жаҳон саломатлик куни

*Дунёда энг қимматбаҳо нарса нима деб сўралса, кўпчилик, «албатта соғлик» дея жавоб беради. Дарҳақиқат, инсон саломат бўлса, жамият соғлом бўлади, у ривож топади. Она, бола, оила эса шу жамият негизи. Болалар бизнинг эртамиз, оналар эса келажак яратувчиларидир. Шу туфайли она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш миллат ривожида муҳим ўрин тутади. Аммо дунёнинг айрим давлатларида бу масалага эътибор етарли бўлмаганлиги туфайли, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бугунги кунда долзарб муаммога айланди.*



# КИПРИКЛАРДА АСРАЙМИЗ ОНА-БОЛАНИ

### *ЖССТнинг бу йилги шиори миллий қадриятларимизга ҳамоҳанг*

Мана бир мисол, ҳар йили ер юзида ярим миллион ҳомиладор аёл туғиш пайтида ҳаётдан кўз юммоқда. 4 миллион нафар бола ҳаётининг бошидаёқ нобуд бўлаётир. Бу ҳодисаларнинг аксарияти ривожланаётган мамлакатларда рўй бераяпти. Бундай эътиборталаб, аммо кам ёритиладиган муаммо туфайли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бу йил Жаҳон саломатлик кунини биринчи марта она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш масаласига қаратди. Ва уни **«Ҳеч бир она ва ҳеч бир болани эътиборсиз қолдирмаймиз»** шиори остида ўтказиш таклифи билан чиқди. Ташкилот шу орқали барча мамлакатлар ҳамда дунё ҳамжамиятини оналар ва болалар саломатлигига устувор йўналиш сифатида қарашга чақираяпти.

ЖССТ бош директори, доктор Ли Чон Вук ушбу масала бўйича чиқишида Ер юзида миллионлаб аёллар ва болалар нобуд бўлаётгани, инсоният бунга айтарли таъсир кўрсата олмаётганини таъкидлади. «Биз туғуруқ жараёнида ёки ёш болаларда турли касалликларни даволаш борасида янги илмий усуллар яратишимизга ҳожат йўқ. Чунки мавжуд билимларни жорий қилсак, ана шунинг ўзи уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга етарли. Она ва боланинг соғлиғини таъминлаш кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш калитидир», деди у. Жаҳон саломатлик кунида айнан шу масалага эътибор қаратилиши эса бутун дунё миқёсида мазкур муаммони ҳал этишни янада кучайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни жаҳон андозалари даражасига етказиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, ўлимини камайтириш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Ҳар бир она ва бола жамиятимиз учун эъзозлидир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг қабул қилинган фармонлар, ҳукумат қарорлари ана шу соҳадаги ишларнинг сифатини янада оширишда муҳим омил бўлди. Шунингдек, Она ва бола, Соғлом авлод, Аёллар йиллари муносабати билан ҳамда жорий — Сиҳат-саломатлик йилида амалга оширилаётган дастур, айниқса, оналар, болалар соғлиғини муҳофаза қилишда катта қадам бўлди.

Давлат дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилишни, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилани соғломлаштиришга йўналтирилган харажатларнинг умумий миқдори 14199,4 миллион сўм ва 2282,8 минг АҚШ долларини ташкил этиши ҳам мамлакатимизда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар кўламининг қанчалик кенглигидан далолат бериб турибди. Бунда бюджет маблағлари билан биргаликда, бюджетдан ташқари, ҳомийлар маблағлари ва грантлар жалб қилиниши режалаштирилган.

Ҳукуматимиз она ва бола саломатлигини янада яхшилаш борасида халқаро ташкилотлар, жумладан, ЖССТ, Жаҳон банки ва Осиё Тараққиёт банки билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган. 2000 йилдан бошлаб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Бехатар оналик» дастури айрим туғуруқхоналарда жорий этила бошланди.

Осиё Тараққиёт банки мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилашда сезиларли кўмак бераяпти. Банк шу мақсадда «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» лойиҳаси учун маблағ ажратди. Лойиҳа доирасида 6 та вилоятда тажриба сифатида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ушбу соҳа мутахассисларининг узлуксиз малакаси ва кўникмаларини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳамда унинг жаҳон андозаларига мос келишини таъминлашга эътибор берилади. Шунингдек, қон билан таъминлаш тизимини яратиш бўйича тадбирлар ҳам режалаштирилган.

Республикамизда амалга оширилаётган бундай ижобий ишлар дунё давлатлари, ЖССТ ва бошқа халқаро ташкилотлар эътирофига сазовор бўлмоқда. Зеро, она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш, оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлашга эътибор қаратган жамият ўз олдига қўйган эзгу мақсадларига эришиши, шубҳасиз.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Шашти баландлар

*Баҳорнинг бир куни йилга татийди. Шу боис ҳам деҳқон баҳорнинг ҳар бир ёруғ кунидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.*

*Айниқса деҳқончиликнинг ҳавосини олган Термиз туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги аъзоларининг бу йил шашти бўлакча. Кеч куздаёқ экиш техникаларини мавсумга шай қилиб қўйишган. Шу боис ҳам чигит экиш бошланиши билан мавжуд ўн тўртта сеялкадан унумли фойдаланила бошланди. Намуналиклар жорий йилда 820 гектар майдонга барака уруғи қадайдилар.*

*— Бизнинг шароитимизда «Сурхон-9» нави яхши самара беради, — дейди хўжалик механизатори Қулсоат Шомуродов. — Шунинг учун ҳам мавжуд гектарларга ушбу навдаги чигитни экаяпмиз. Эртапишар, серҳосил бўлган ушбу нав бу йил ҳам ишончимизни оқлайди.*



**СУРАТЛАРДА: чигит экиш жараёнидан лавҳалар акс эттирилган.**

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

## Ахборотноманинг янги сони

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномасининг 12-сони ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқди.**




Ахборотнома Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» сарлавҳали нутқи билан бошланади.

Маълумки, Юртбошимиз ушбу чиқишида Конституциямизга, бугунги ҳаётимизга бевосита тааллуқли бўлган муҳим масалаларга тўхталиб ўтган.

Конституциявий суд раиси М. Абдусаломовнинг юқорида тилга олинган тантанали йиғилишдаги маърузаси «Эркин ва фаровон ҳаётнинг ҳуқуқий асоси» деб номланган ва у ҳам Ахборотномадан ўрин олган.

Конституциявий суд томонидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикасида конституциявий одил судловнинг ташкил этилиши ва такомиллаштирилиши» мавзусидаги халқаро конференция материаллари, Конституциявий суднинг халқаро алоқаларига оид хабарларга ҳам мажмуада кенг жой ажратилган.

Ахборотномада, шунингдек, айрим расмий ҳужжатлар, юридик фанлар доктори Б. Пўлатов, Самарқанд вилоят хўжалик суди судьяси М. Ғиёсова, Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи С. Ҳотамов ва бошқа муаллифларнинг қизиқарли мақолалари чоп этилган.

## Замонавий тиббий маскан

**Балиқчи туманидаги Алишер Навоий номли ип-йигирув акциядорлик жамияти қошида ўттиз ўринли тиббий даволаш муассасаси очилди.**

Бу тиббиёт маскани пахта тозалаш заводидан тендер танлови асосида сотиб олинди. Қисқа вақт мобайнида бинонинг ички ва ташқи томонлари тўла таъмирланиб, атрофдаги олти ярим гектар майдонда боғ барпо этилди. "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури доирасида очилган мазкур тиббий масканнинг қурилиш ва бунёдкорлик ишларига лойиҳага кўра юз миллион сўм сарфланди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

Даволаш муассасасини таъмирлаш билан биргаликда иккита бассейн, теннис корти ва бошқа спорт иншоотлари, даволанаётганлар ва уларни кўргани келган меҳмонлар учун дам олиш биноси қуриб битказилди. Даволаш хоналари замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, юмшоқ мебель билан жиҳозланган.

# ФАРЗАНДЛАР ОЛДИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таълим муассасаларини ўқитиладиган фанлар бўйича намунавий дастурлар билан таъминлашда ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд. Масалан, Шеробод тиббиёт коллежида 69 та фаннинг 40 таси бўйича янги ўқув дастурлари бўлмаганлиги сабабли эски ўқув дастурларидан фойдаланиб келинган. Бундан ташқари, таълим муассасаларидаги мавжуд кутубхоналарни дарслик ва ўқув қўлланмалари билан узлуксиз бойитиб бориш ҳамда таъминлаш қониқарсиз ташкил этилган. Олтинкўл иқтисодиёт, Ангор маиший хизмат, Термиз ижтимоий-иқтисодий, Шеробод тиббиёт ҳамда Янгиер педагогика коллежларида мутахассислик фанлари бўйича ўқув адабиётлари ва дарсликлар етишмайди. Бундай камчиликлар бошқа вилоятлардаги касб-ҳунар коллежларида ҳам кузатилмоқда.

Ачинарлиси шундаки, коллежлардаги педагог ва бошқа ходимларнинг малакаси етарли даражада эмаслиги сабабли Япония, Германия ва Корея давлатлари ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан берилган кредитлар эвазига келтирилган қимматбаҳо ўқув-лаборатория жиҳозлари таълим жараёнида бекор туриб қолмоқда. Хусусан, Асака автомобиль, Янгиер педагогика, Сурхондарё вилояти, Қизириқ қишлоқ хўжалик коллежларидаги физика, кимё, биология, астрономия ва информатика фанлари лабораторияларида ҳамда ўқув хоналарида хориждан келтирилган замонавий компьютер ва бошқа жиҳозлардан амалиётда фойдаланилмаган.

Ўрганилган вилоятларда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори талаблари қўпол равишда бузилишига йўл қўйилиб, коллежларда таълим олаётган ўқувчилар дарслик, қўлланма ва жиҳозлар билан тўлақонли таъминланмаганлиги аниқланди. Масалан, Булоқбоши педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежи ўқувчилари "Ўзбекистон тарихи" фани бўйича дарсликлар билан 34 фоизга, "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" фани бўйича 17 фоизга, инглиз тили дарслиги билан 14 фоизга ва эстетика дарслиги билан атиги 1 фоизга таъминланган, холос. Избоскан педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежида эса умумтаълим жиҳозлари ва касбий фанлардан меъёрдаги 169 та адабиётлар етишмаслиги аниқланди. Сирдарё вилояти, Сайхунобод қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллежида деҳқон ва фермер хўжаликларини, ер ва аграр соҳани тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас.

Коллежларни замонавий компьютер техникалари билан жиҳозлашга давлат томонидан маблағлар ажратилмоқда. Бироқ бу борада ҳам масъулиятсизликка йўл қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда. Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган ўрта-махсус касб-ҳунар коллежларида 227 та синф компьютер билан таъминланиши лозим эди, лекин бу иш 57 фоизга бажарилган, холос. Бу кўрсаткич Сирдарё вилоятида 59, Сурхондарёда 55 фоизни ташкил этади. Вилоятлардаги коллежларнинг компьютер техникаси билан таъминланиш аҳволи таҳлил этилганда, 42 нафар ўқувчига атиги бир дона компьютер тўғри келиши маълум бўлди.

Айрим коллеж раҳбарлари ва масъул мансабдор шахсларнинг виждонсизлиги боис давлат маблағлари ҳисобидан ўқувчиларнинг илм олишини кўзлаб келтирилган замонавий, турли компьютер воситалари талон-торож қилинган. Жумладан, Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги қурилиш касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари Ё.Исломов, Асака маиший хизмат коллежи бош ҳисобчиси Т.Мирзараҳимов, Бўз туманидаги қурилиш ва коммунал хўжалик коллежининг хўжалик ишлари мудири Н.Қосимовлар томонидан жами 3,3 млн. сўмлик компьютерлар ўзлаштирилган. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Коллежларнинг мавжуд ўқув қўлланмалари ва жиҳозларидан самарали фойдаланмаслик, моддий-техника базасини талон-торож қилиш каби ҳолатлар ўқувчиларнинг билим ва кўникма даражасига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Андижон, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида тест синовлари ўтказилган 27 та касб-ҳунар коллежининг биронтасида ҳам ўқувчилар она тили, математика ва кимё фанларидан қониқарли натижаларни қўлга киритмаганликлари фикримизни тасдиқлайди.

Таҳлилларга кўра, юқорида қайд этилган вилоятлардаги коллежларнинг жами 7892 нафар педагог кадрларидан 913 нафари (12 фоизи) ўрта-махсус маълумотга эга. Демак, улар "Таълим тўғрисида"ги Қонун талабига зид равишда ўқувчиларга дарс берган. Масалан, ўрта-махсус маълумотдан кейин 3 ойлик қисқа ўқув курсларини тугатган Ш.Алиев, Н.Мамажонов, З.Мамидоновалар Оқолтин саноат касб-ҳунар коллежида, ўрта-махсус маълумотли М.Ражабова ва О.Мирҳошимовалар Асака тиббиёт коллежида, институт талабалари бўлган С.Қурбонов, К.Кимсанов, Д.Жалилова, А.Усмонов ва Х.Юсуповлар эса Асака шаҳридаги касб-ҳунар коллежида ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинганлар. Бундан ташқари коллежлар тизимида кадрларни ишга қабул қилиш масаласи ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабабли ўқитувчилик касб маҳоратига эга бўлмаган, ҳақиқатда таълим олмаган ёки қалбаки дипломга эга бўлган ходимларни ишга қабул қилиш ҳолатлари мавжуд. Жумладан, Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги педагогика касб-ҳунар коллежи информатика факультети ўқитувчиси Ф.Каримов Термиз Давлат университетини битирганлиги ҳақидаги қалбаки диплом билан ўқувчиларга таълим бериб келган. Андижон вилояти Бўз туманидаги педагогика коллежи ўқитувчиси О.Сотволдиев ҳам қалбаки диплом билан 2002 йил сентябрь ойидан бошлаб тарих фани ўқитувчиси вазифасида ишлаган.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари томонидан ўрта-махсус касб-ҳунар таълими тизимида жиноий фаолият юритиб келган масъул мансабдор шахсларнинг кирдикорлари мунтазам равишда фош этилиб, уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилаётган бўлса-да, айрим раҳбарлар бунга аксинча муносабат билдириб, жиноят содир этганлиги учун судланган шахслар билан ўзаро муросасозлик қилган ҳолда уларни юқори лавозимларга тайинлашган. Масалан, Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари коллежи директори вазифасида ишлаб, аттестация синовидан ўта олмаганлиги учун вазифасидан озод этилган М.Боирбеков ўрта-махсус касб-ҳунар таълим Маркази раҳбариятининг 2004 йил 13 февралдаги буйруғи билан Сирдарё вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар коллежлари бошқармаси бошлиғи лавозимига ўтказилган. Бунинг оқибатида, бошқарма мансабдор шахслари томонидан Сардоба қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежида реконструкция ишлари тўлиқ тугалланмасдан, лойиҳада кўрсатилмаган ишлар учун 10,6 млн сўмлик бюджет маблағлари ноқонуний сарфланиб, коллеж ўқувчилари учун мутлақо зарур бўлмаган ўқув қўлланмалари ва қуроллари сотиб олинишига замин яратилган.

Яна бир мисол. Сайхунобод халқ таълими бўлими етакчи мутахассиси лавозимида ишлаган Ш.Болтабоев муқаддам қалбаки шаҳодатномалар сотиш билан шуғулланганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган эди. Лекин у ҳам Марказ раҳбарининг 2004 йил 14 октябрдаги буйруғи билан Сайхунобод саноат касб-ҳунар коллежи директори лавозимига тайинланган.

Касб-ҳунар бошқармасининг раҳбарлари коллеж директорлари ва ўқитувчиларнинг фаолияти устидан лозим даражада назорат ўрнатмаганлиги оқибатида айрим директор ва ўқитувчилар таъмагирлик қилишга ҳам улгуришган. Балиқчи туманидаги Чинобод қурилиш коллежи директори Ш.Садирдинов ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш эвазига 250 минг сўмни, Асака тиббиёт коллежи ўқитувчиси У.Исмоилов 200 минг сўмни пора тариқасида олаётган вақтида ушланган. Денов педагогика коллежи директори О.Файзиев, Денов тиббиёт коллежи акушерлик фани ўқитувчиси С.Жалилова, Қумқўрғон коллежининг мелиоратив қурилиш машиналари техник хизмат кўрсатиш факультети ўқитувчиси Н.Давлатовлар порахўрлик жинояти содир этганлиги учун суд ҳукми билан қонуний жазога тортилдилар.

Касб-ҳунар коллежларини қуриш учун ўтказилган тендер савдоларида ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Бу эса тендерларда рақобат муҳитига жиддий таъсир кўрсатган. Тендер комиссияси томонидан Қумқўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи қурилиши бўйича пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида ўтказилган танловда иштирок этиши мажбурий бўлган буюртмачи — вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси ва қурилишни молиялаштирувчи "Ўзуйжойжамғармабанк" вилоят бўлими раҳбарларининг қатнашиши таъминланмаган. Тендер савдоларида ғолиб деб топилган "БЧ Сурхон-Термиз қурилиш" масъулияти чекланган жамияти кўрсаткичлари паст, охирги 3 йил давомида қурилиш ишларини умуман бажармаган ташкилот бўлса-да, унга асоссиз равишда юқори баллар қўйилган. Ўз навбатида "БЧ Сурхон-Термиз қурилиш" масъулияти чекланган жамияти томонидан Қумқўрғон озиқ-овқат саноат маҳсулотларини қайта ишлаш касб-ҳунар коллежига фойдаланишга умуман яроқсиз бўлган 16 млн. сўмлик электр тақсимлаш ускуналари ўрнатилган.

Пудратчилар томонидан қурилиш объектлари буюртмачига тўлиқ топширилмасдан ва ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилмасдан ту-

*Амир Темур таваллудининг 669 йиллигига*



# Соҳибқироннинг нодир ҳайкалчаси

Соҳибқирон Амир Темурнинг нодир ҳайкалчаларидан бири 1997 йилнинг 29 ноябрида Истанбулдаги «Конрад интернейшнл» меҳмонхонасида ташкил қилинган «кимошди» савдосига қўйилган эди. Ўша пайтда мен Туркияда эдим. Аммо Анқарада бўлганлигим сабабли бу воқеадан олдинроқ хабар тополмадим. Лекин эртаси куни кўпгина газеталарда кимошди савдосининг натижалари ҳақида хабарлар босилди. Мухбирлар диққатини жалб қилган буюм эса Соҳибқироннинг француз ҳайкалтароши Жан Леон Жером (1824-1904) томонидан ишланган ҳайкалча эди. Амир Темурни от устида, қўлида туғ ушлаган ҳолда акс эттирган бу бронза ҳайкалча(104 Х 94 см.катталикда) йўқолган деб ҳисобланарди, аммо у Авни Месерретчи ўғли коллекциясида сақлаб келинган экан. У «кимошди» савдосида юксак нархда — 65 миллиард лирага(216 минг долларга) сотилди. Аммо ҳайкалчани сотиб олган шахснинг номи эълон қилинмади.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон матбуотида ҳам бу ҳайкалча ҳақида хабарлар босилган, унинг сурати эълон қилинган эди. Жан Леон Жером ўз даврида Наполеон, Буюк Фридрих сингари машҳур саркардалар ҳайкалчаларини яратиш билан шуҳрат қозонган. Ўша пайтда Амир Темур номи ҳам Европа халоскори сифатида эҳтиром билан тилга олинар, у ҳақда кўплаб бадиий ва тарихий асарлар яратилган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ишланган мазкур ҳайкалчада муаллиф асосан ғарб тарихчиларининг асарларидан фойдаланганлиги сезилиб туради.

Анқарадаги Расм ва ҳайкал музейида ҳам қизиқарли бир асар бор. Машҳур рус рассоми В.Верешчагин томонидан 1880 йилларда ишланган улкан рангтасвир асари «Бухоро аскарлари Амир Темур қабри бошида» деб номланган. Унда Бухоро амири саркардалари Чор Россияси аскарларига қарши жанг олдидан Гўри Мир мақбарасида Соҳибқирон руҳидан мадад сўраб, дуо қилаётган пайт акс эттирилган. Маълумки, В.Верешчагин Чор армиясининг Ўрта Осиёдаги истилочилик юришларида қатнашган, ҳатто жангларда бевосита иштирок этган. Бу ҳақда у кўплаб расмлар ишлаган ва хотиралар ёзган. Мазкур асар ҳам шу туркумдан бўлса керак.

Бу асарнинг музейга қаердан келиб қолганлиги номаълум. Тахминларга кўра, у Шўролар ҳукумати томонидан Туркия раҳбари Отатуркка ҳадя қилинган, ёки XX аср бошларида бир кўргазмага келтирилиб, қолиб кетган.

# Хаттотнинг кашфиёти

Хаттотлик санъати қадимда ниҳоятда қадрланган. Машҳур ҳуснихат соҳиблари шоҳлар саройида хизмат қилганлар ва ўнлаб нодир асарларнинг асрлар оша бизгача етиб келишига муносиб ҳисса қўшганлар.

Ғози Аҳмад ўзининг ҳуснихат соҳиблари ва рассомлар ҳақидаги рисоласида шундай ҳикоя қилади: Амир Темур Кўрагон даврида Самарқандда Умар Ақтоъ исмли ҳуснихат соҳиби бор эди. Унинг ўнг қўли йўқ эди. Аммо чап қўл билан шундай чиройли ёзар эдики, кўрганлар ҳайратда қолар ва унга таҳсинлар ўқирдилар. У Соҳибқирон учун Қуръоннинг нодир нусхасини тайёрлади. "Ғубор" деб аталувчи ноёб хат услубида битилган бу Қуръон шунчалик кичик эдики, уни узукнинг кўзига жойлаштирса ҳам бўлар эди. Муқаддас китоб нусхасини у Соҳибқиронга ҳадя қилди. Аммо кутилган мукофотни ололмади. Чунки Амир Темур ҳазратлари Оллоҳнинг каломи ниҳоятда майда ёзилганлигини маъқуллламадилар.

Умар Ақтоъ энди энг катта Қуръон нусхасини ёзишга киришди. Ундаги ҳар бир ҳарф бир заръ (тирсак) ва ундан ҳам каттароқ қилиб битилган эди. Қўлёзма тугалланиб, безатилганидан ва муқоваланганидан кейин хаттот уни аравага ортиб саройга йўл олди. Бу хабар Соҳибқиронга етказилди. Амир Темур дин пешволари ва сарой аъёнлари билан биргаликда хаттотга пешвоз чиқиб, ҳадяни қабул қилди. Хаттотга таҳсинлар ўқиди ва муносиб тарзда мукофотлади. Ҳозирги пайтда Самарқанднинг Регистон майдонидаги Тиллакори мадрасаси ёнида жойлашган улкан тош лавҳа мазкур Қуръон учун тайёрланган деган ривоят ҳам бор.

# Испан элчисининг саёҳатномаси

1402 йилнинг 28 июлида Анқара шаҳри яқинидаги Чубуқ водийсида (ҳозирги Эсенбоға аэропорти яқинида) Амир Темур билан Усмонли султони Боязид Елдирим аскарлари омонсиз жангга киришдилар. Эрталаб бошланган шиддатли тўқнашув кечга яқин Туркистон амирининг ғалабаси билан якунланди.

Ушбу жангга гувоҳ бўлганлар орасида Кастилия ва Леон (ҳозирги Испания) қироли Дон Энрике Учинчининг Соҳибқирон ҳузурига йўллаган элчилари Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуэлос ҳам бор эди. Клавихонинг ёзишича, қирол уларга Амир Темур ва унинг рақиби Боязиднинг қудратини, бойлигини, бир-бирига қарши қанча аскар ташлаганини ўрганиш ва бўлажак жангни кузатишни топширган эди. Жангдан сўнг Амир Темур элчиларни қабул қилади, улардан испанлар давлати ва қиролнинг ҳол-аҳволи ҳақида суриштиради, зиёфатларга таклиф этиб, кўп ҳадялар беради. Кастилия вакиллари Амир Темур қароргоҳида бўлган пайтларида барча кўрган нарсаларини ёзиб борадилар. Элчиларнинг қайтиш пайти келганида Соҳибқирон икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида улар билан бирга қобилиятли беклардан Муҳаммад Кешийни ҳам мактуб ва совғалар билан Кастилияга элчи қилиб жўнатади. Кеший у ерга эсон-омон етиб бориб, мактуб ва совғаларни Энрике Учинчига топширади. У қирол ҳузурида бир неча бор бўлади, зодагонларнинг зиёфатларида иштирок этади, мамлакатдаги тартиблар ва испанларнинг урф-одатлари билан яқиндан танишади. 1403 йили испанларнинг иккинчи элчиси Клавихо билан бирга қайтган Кеший узоқ ва машаққатли йўл босиб, 1404 йилнинг август ойи охирларида Самарқандга етиб келади.

Соҳибқирон Кастилия элчиларини 8 сентябрь куни Самарқанд ташқарисидаги Дилкушо боғида қабул қилади. Улар билан келган Муҳаммад Кеший ҳам испанияликлар кийимини кийиб олган эди. "Темурбекнинг Кастилия қироли ҳузурига йўллаган элчиси ҳам биз билан бирга эди. Испанча кийинган элчини кўриб, ватандошлари кулиб юборишди", деб ёзади Клавихо.

Клавихонинг "Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги.1403-1406 йиллар" номли асари кўпчиликка яхши маълум. Хўш, махсус топшириқ билан келган биринчи элчилик вакиллари ёзган ҳисоботлар қиролга топширилган бўлса, Испания архивларида сақланиб қолмадимикин? Ахир, уларда нодир маълумотлар бўлиши мумкин-ку! Ҳа, сақланиб қолган экан. Рус тилида чоп этиладиган нашрлардан бирида яқинда кичиккина бир хабар босилди. Унда айтилишича, Кастилиянинг биринчи элчилиги вакили Хуан Эскамильонинг йўл хотиралари ҳозирги пайтда Мадриддаги Қироллик музейида сақланар экан. Энг муҳими, унда элчи Амир Темур ҳузурида кўрганларини батафсил қоғозга туширган экан.

Хуан Эскамильо Соҳибқирон армиясининг аъло даражадаги тузилишини, унинг жанг усулларини, ҳиндистон юришидан олиб келинган ўрта аср "танклари" — жанговар филларнинг хусусиятларини таърифлаган. Забт этилган ҳудудларда тартиб-интизомнинг таъминланиши, ҳаётнинг қайта изга туширилиши уни ҳайратга солган. Чунки қисқа вақт ичида бу жойларда барча соҳада ўсиш-ўзгариш ва жонланиш рўй берганлигига гувоҳ бўлган. Айниқса, унинг Амир Темур девонида фаолият олиб борган кўп сонли котиблар ва хаттотлар ҳақидаги хотиралари қизиқарлидир. Жумладан, у ҳозирги шарикли ручкаларнинг илк намунаси бўлган қамиш қаламларни батафсил тасвирлаган. Қаламлар шундай тайёрланган: қамиш қалам ичига ингичкароқ бир бўлак ғаров ўрнатилган. Ғаров ичига ўсимликлардан тайёрланган сиёҳ қуйилиб, юқори томони беркитилган. Қамиш қаламнинг уч қисмига эса остки томони силлиқланган гуруч дони сим билан маҳкамланган. Юқоридаги сиёҳ гуруч донига аста-секин оқиб тушаверган. Бир марта қуйилган сиёҳ қаламни икки-уч ҳафта мобайнида қайта тўлдирмасдан ишлатиш имконини берган. Хуан Эскамильо узоқ сафарлар пайтида бундай қаламнинг баҳоси йўқ эканлигини мароқ билан ёзади.

Испания архивларида тарихимизга оид яна кўплаб нодир маълумотлар борлиги шубҳасиз. Мамлакатларимиз ўртасида тобора кенгайиб бораётган маданий ва илмий алоқалар яқин йиллар ичида уларни янада чуқурроқ ўрганиш ва кенг оммага етказиш имконини беради, деб ўйлаймиз. Қолаверса, Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университетининг мамлакатимизда ягона испан тили факультети устоз ва талабалари ҳам бу ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб умид қиламиз.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ.**



*— Қариб-қартайиб қолганингдан кейин ёш болага ўхшаб қоларкансан, — дейди Чиноз туманидаги «Олмазор» ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи саксон ёшли Олия ая Тожибоева. — Ўғил-қизларим, невара-эвараларим йиғилишса, ҳовлимиз тўлиб кетади. Бағрим бутун, кўнглим тоғ бўлади...*

*Пири бадавлат бу аёлнинг атрофи ҳамиша гавжум, чунки у нафақат оиласининг, балки қўни-қўшни, маҳалла-кўйнинг ҳам яқин маслаҳатчиси, меҳрибон онахони.*

**СУРАТДА: Олия ая қизи Маҳбуба Тожибоева ва невaралари даврасида.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**


Диққат!

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» Давлат акциядорлик компанияси

шуни маълум қиладики,
*2005 йил 1 апрелдан*
электр энергияси тўлов нархи аҳоли учун *1 кВт соат учун 30 сўм 35 тийин,* электр плиталар билан жиҳозланган турар жой аҳолиси учун *1 кВт соат учун 15 сўм 18 тийин* қилиб

ЯНГИ ТАРИФ ТАСДИҚЛАНДИ.

Амалдаги қонунларга асосан, *2005 йил 1 апрелгача* сарфланган электр энергия тўлови учун аҳоли *1 кВт соат учун 27 сўм 10 тийин,* электр плиталар билан жиҳозланган турар жой аҳолиси *1 кВт соат учун 13 сўм 55 тийиндан 10 апрелгача*

ТЎЛАШЛАРИ КЕРАК.

456Н/694

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! Товар сертификатланган

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

«ГАЗ-31105» «ИЖ-2717», «ВАЗ-2106» «ГАЗЕЛЬ»

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

Тошкент шаҳар, М. Улуғбек туманининг «DORA-VITA» масъулияти чекланган жамият ОКПО коди 19593818 тугатилади. Даъволар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади. Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, ТТЗ-1 даҳаси, 1-А уй, 38-хона, тел.: 158-04-83.

Товар сертификатланган

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН!

Ўзбекистонда биринчи бўлиб "ALCOPON" Алюминий-композит панеллар ишлаб чиқарувчи "AND-POLIC" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Тошкент ва Андижондаги омборларидан мавжуд бўлган қуйидаги маҳсулотларни таклиф этади:

"ALCOPON" алюминий-композит панеллар

| Ранги рақами | Ранг | Панелнинг қалинлиги | Алюминий фольга қалинлиги |
|---|---|---|---|
| *Бинонинг олд қисмини безатиш учун* | | | |
| AP-LB 1001 | Кумуш | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 1003 | Қора | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 1005 | Шампан заррачалари | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 3003 | Оқ | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 3005 | Тилла | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 4002 | Кўк | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 5001 | Сут ранги | 4 мм | 0.4 мм |
| *Декоратив (гранит ва мармарга мос тусдаги панеллар)* | | | |
| AP-LB 7001 | Тўқ-қизил | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 7002 | Тўқ-зангор | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 7003 | Оч-қизил | 4 мм | 0.4 мм |
| *Бинонинг ички қисмини безатиш учун* | | | |
| AP-LB 1003 | Қора | 3 мм | 0.21 мм |
| AP-LB 3005 | Тилла | 3 мм | 0.21 мм |
| *Декоратив (гранит ва мармарга мос тусдаги панеллар)* | | | |
| AP-LB 8001 | Зангор | 3 мм | 0.21 мм |
| AP-LB 3002 | Қизил | 3 мм | 0.21 мм |
| AP-LB 8003 | Сут ранги | 3 мм | 0.21 мм |

Панелларнинг узунлиги харидор хоҳиши бўйича ўзгартирилиши мумкин.
Панелларнинг стандарт ўлчамлари: 1220 х 2440 мм

Ваколатхона:
Ўзбекистон, Тошкент ш, Муртазоев кўч, 6/89
Тел.: +(99871) 1348216, факс +(99871)1348357
E-mail: andpolic@rol.uz

AND-POLIC

Завод:
Ўзбекистон, Андижон ш, Пирмухамедов кўч, 96

ШАҲРИМИЗ ЗАМОНАВИЙ ВА ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛСИН!

*БАҲОР БАЙРАМИ — НАВРЎЗ КУНЛАРИДА*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

жисмоний шахсларга омонатларнинг қуйидаги янги турларини таклиф этади:

***"ЁШЛИК"*** (сақлаш муддати — 1 йил) — йилига **27,2%**

- 18 дан 35 ёшгача бўлган шахслар номига очилади;
- ойлик бадаллар мунтазам равишда келиб тушган тақдирда омонат муддати тугаганидан сўнг мукофот ҳисоблаб ёзилади;

| | | | |
|---|---|---|---|
| дастлабки бадал | 50 000 сўм | 100 000 сўм | 150 000 сўм |
| кейинги ойлик бадаллар | 50 000 сўм | 100 000 сўм | 150 000 сўм |
| мукофотни ҳисоблаб ёзиш | 10 000 сўм | 20 000 сўм | 30 000 сўм |

***"ОМОНЛИК"*** (сақлаш муддати — 6 ой) — йилига **30,4%**

- дастлабки бадал суммаси 50 000 сўм
- ҳисобварақ очилаётган пайтда фоизларни олдиндан олиш мумкин

шунингдек, қуйидаги омонатларга пул маблағларини қабул қилиш давом эттирилмоқда:

*"ТАЪТИЛ"* (сақлаш муддати — 3 ой) — йилига 28,8%
*"КЕЛАЖАК"* (сақлаш муддати — 5 йил) — йилига 32%
*"СЎМ КАРТОЧКАСИ"* (талаб қилиб олингунча) — йилига 24% (2005 йил 20.04дан бошлаб омонат бўйича — йилига 16%), талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилади.

**Ўз омонатларини бошқаришни бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

NBU www.nbu.com

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги ШИНАЛАРНИ сотади:

ROSAVA DNEPROSHINA ДНЕПРОШИНА ИСТОК

«РОСАВА» ЁАЖ, Украина, Белая Церковь ш.;
«Днепрошина» ОАЖ, Украина, Днепропетровск ш.;
«Омскшина» ОАЖ, Россия, Омск ш.;
«Уралшина» ОАЖ, Россия, Екатеринбург ш..

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН,
ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН,
ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Шунингдек, «ИСточник ТОка Курский» аккумулятор заводининг «Исток» аккумуляторлари (Россия, Курск шаҳри).

Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.

*Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.*

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Т. Х. Рауповга акаси **Абдурасул ХОЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоаси фоторассом **Анатолий РАХИМБАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дўстларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси ўқув машғулот маркази «TAICHB» шўъба корхонаси жамоаси корхона директори Фатхулла Ҳикматуллаевга падари бузруквори **Ниғматулла ҲИКМАТУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 361. 28631 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни – 22.30 Топширилди – 22.30 1 2 3 4 5 6